

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ИШ КАФЕДРАСИ

**МАҲАЛЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР
БИЛАН ИШТИМОЙ ИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

КУРС ИШИ

***Бажарди
Текширди***

***Юлдашева Ю.
Шеров М.Б.***

САМАРҚАНД - 2012

МАҲАЛЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШТИМОЙ ИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Режа:

I БОБ. Ижтимоий ишчининг маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалари билан ишлаш усули

1. Шарқ алломаларининг қарашлари
2. Оилаларга ижтимоий ва иқтисодий ёрдам турини аниқлаш

II. БОБ Оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари

2.1. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар.

Долзарблиги

Оилада келиб чиқаётга муаммоларни ечимини топиш

Долзарблигини

уларни функциялари

Мақсад: ижтимоий ишчининг маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалари билан ишлаш усули ва услубини ўрганиш: кам таъминланган (танглик вазиятида қолган оилалар) оилалар билан кузатув дастурини ишлаб чиқиш.

Вазифа:

1. Ижтимоий иш соҳасида мазкур муаммо юзасидан адабиётлар таҳлили.
2. Маҳалларда ижтимоий ишчининг ишини ташкиллаштириш усули ва услубини ўрганиш;
3. Оилаларга ижтимоий ва иқтисодий ёрдам турини аниқлаш.
4. Оилаларни кузатув дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: кам таъминланган ёки танглик вазиятида қолган оилалар.

Тадқиқот предмети: кам таъминланган ёки танглик вазиятида қолган оилаларни кузатуви жараёни.

Гипотеза исследования: танглик вазиятида ёки кам таъминланган оилаларни кузатув жараёни орқали ижтимоий-психологик муаммоларни ҳал этишда оила аъзоларининг мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантириш дастурини қўллаш шароитида самарали натижага эришиш мумкин.

Тадқиқот методлар:

1. Кузатув.
2. Анкета.
3. Интервью
4. Контент-анализ.

Тажриба-синов ишлари:

1-босқич: сўровнома, интервью.

2-босқич: оилалар билан ишлаш.

3-босқич: таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Амалий аҳамияти: жамиятнинг иқтисодий салоҳиятига ва ижтимоий ривожланишига ёрдам беради. Маҳаллаларда тарғибот ишларини амалга оширишда, ёш оилаларга тавсиялар ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Назарий аҳамияти:

Режа

1994 йил 24 августда «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу қонунчилик ҳужжатининг қабул қилиниши

билан республикада аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тизими тубдан ўзгартирилди. Қайд этиш жоизки, ижтимоий соҳада қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ўзида мамлакатимизнинг миллий хусусиятларини ақс эттирибгина қолмай, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг барча шартларига ва 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг бош тамойилларига мосдир.

Ушбу пактнинг 10-моддасида «Жамиятнинг табиий ва асосий хужайраси ҳисобланмиш оилага имкони борича кенг кўламда ёрдам берилиши ва муҳофаза этилиши зарур. Айниқса, у шаклланаётган даврда бундай кўмак зарур, чунки мустақил бўлмаган болалар ва улар тарбияси борасидаги ғамхўрлик ҳозирча оила зиммасига тушмоқда. Бола туғилишидан олдин ва ундан кейинги даврда оналарга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу давр мабойнида ишловчи оналарга ҳақ тўланадиган таътил ёки ижтимоий таъминот бўйича етарли нафақа билан таътил берилиши керак»,¹ – деб белгилаб қўйилган. Хуллас, бу қадам республикамиз ижтимоий ҳимоя тизими ривожининг иккинчи, юқорирок босқичи бўлиб, бу босқичда ижтимоий таъминот аҳолининг аниқ табақаларини камраб олишга қаратилди. Эндиликда, болалар ва кам даромадли оилалар

¹ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами. Масъул муҳаррир Саидов А. – Тошкент: Адолат, 2004. – 62 б.

ижтимоий муҳофазадан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар, уни етказувчи эса – маҳаллалар бўлиб қолди. Бунда аҳоли ҳаёти оилавий, жамоавий турмуш тарзига асосланганлиги эътиборга олинди. И.Каримов таъкидлаганидек, «Шарк халқларида, жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларнинг бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиришга замин туғдиради».¹ Зеро, оила, жамоа кишиларнинг қон-қариндошлик, мулк ва манфаат умумийлиги, талаб ва эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, мақсади ягона бўлган мажмуа, яъни, микроижтимоий тузилмадир.

Иқтисодий жихатдан караганда оила уй хўжалиги бўлиб, микроиқтисодий тизимнинг асосий бўлаги ҳисобланади. Унинг бошқа қисмини эса фирмалар, корхоналар ташкил этади. Оила шу қисмлари билан биргаликда микроиқтисодий тизимга, яъни, миллий иқтисодга бирикади ва тор доирадаги ҳодиса бўлмай жамиятнинг бир бўлаги, аниқроғи, унинг асосини ташкил қилади. Оилани қўллаб-қувватлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш учун кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий аҳволи ва камбағаллик муаммоларини чуқур ўрганиб чиқиш эҳтиёжи туғилади. Сабаби, бундай оилаларнинг ойлик даромади истеъмол эҳтиёжидан паст бўлиб, даромадининг 75-85% озиқ-овқатга сарфланади.² Камбағалликни аниқлаш билан эса, ҳар бир давлат фақат ўзига тегишли бўлган вазифаларни ҳал қилишга ҳаракат қилади.³ Масалан, ривожланган давлатлар камбағалликни аниқлаш орқали ўрта ва қуйи қатламлар ўртасидаги чуқур дифференциация ва ижтимоий зарбаларга йўл қўймасликка интиладилар.

Ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечириётган давлатлар учун камбағаллик даражасини аниқлаш янги бозор шароитларига мослаша олмаётган аҳоли гуруҳларини манзилли ижтимоий ёрдам стратегияларини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан муҳимдир. Қайд этиб ўтиш керакки, бир мамлакатда қабул

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 7 б.

² Саидова Г. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижения и проблемы // Экономическое обозрение. – Тошкент, 1998. - №1. – С. 15.

³ Алибекова С., Саидов К. Проблема бедности в Узбекистане в переходный период // Аҳолини турмуш даражасини кўтариш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўллари ва воситалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002. – Б. 18.

қилинган яшаш учун зарур энг кам миқдор бошқа давлат шароитларига тўғридан-тўғри мос келмайди. Ҳар бир давлат аҳолисининг турмуш даражасини аниқлаб берувчи ўзига хос ўлчамларига эга бўлиб, мавжуд андозалардан оғиш ҳолларида ижтимоий муҳофазалаш тадбирлари кучайтирилади.

Республикамизда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини аниқлашда мазкур омилларга асосланиб иш кўрилди ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалашнинг янги дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, маҳалладаги кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва айнан муҳтож кишиларга ёрдам беришнинг тарихан адолатли тизими қайта тикланди. Ижтимоий адолат тамойилига оғишмай амал қилинган ҳолда, кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқлигини таъминлаш, уни ҳақиқатдан муҳтож оилаларга бериш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларига айрим оилалар томонидан боқимандалик кайфиятида муносабатда бўлишга йўл қўймаслик, оила аъзолари, айниқса, болаларнинг моддий фаровонлиги, ҳар томонлама жисмонан ва маънан баркамол бўлиши, маълумот ва касб даражасини ошириши учун зарур бўлган шароитлар яратишда оиланинг масъулиятини кучайтириш нафақа тўлашнинг мезонлари ва мажбурий шартлар қилиб белгиланди.

Маҳаллаларга жамоада нисбатан кам таъминланган оилалар ҳамда ариза билан мурожаат қилган муҳтож кишиларнинг ҳуқуқларини турли ижтимоий кўрсаткичлар орқалари аниқлаш масъулияти юклатилди. Ижтимоий муҳофазанинг ушбу тизимида кам таъминланган аҳоли қатламларини аниқлаш мезонлари давлат дастурлари, махсус йўриқномаларда аниқ белгиланган бўлиб, эътиборлиси, маҳалла кенгашиларининг нафақат расмий кўрсаткичларга таяниб қолмасдан, маълум маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлган маҳалла оқсоқоллари, фаолларининг маслаҳатлари асосида иш юритиш имкониятига эга бўлди ва ушбу соҳада маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг мустақил фаолияти қўллаб-қувватланди ҳамда уларга ишонч билдирилди.

2007 йил ҳолати бўйича Ўзбекистон аҳолиси 26 млн. 700 мингдан ортиқ бўлиб, шундан, 30 ёшгача бўлганлар сони 17 млн. 80 мингни, яъни, мамлакат


аҳолисининг 64% ини ташкил қилади. Умумий ҳисобда республика бўйича оилаларнинг сони 5 млн. 340 мингдан ортиқ.² Улар 10 мингга яқин маҳаллалар таркибида истиқомат қиладилар. Ҳар бир маҳалладаги оилалар сони эса 150 дан 2,5 минггача етиб боради.³ Бу оилаларнинг 58,7 % ини кўп болали оилалар ташкил этиб, уларда ўртача 6,8 киши истиқомат қилади.⁴ Бундай оилалар Ўзбекистонга хос бўлган кенгайтирилган оилалар ҳисобланиб, битта яшаш майдонида бир ёки икки авлодга мансуб бўлган вакиллар истиқомат қиладилар. Мазкур оилалар таркиби шаҳарларда ўртача 3-4 нафар, қишлоқларда 4-6 нафар болалардан иборат бўлиб, бундай серфарзанд оилаларда даромад келтирувчилардан кўра, меҳнат ёшига етмаган болалар, меҳнат қобилиятига эга бўлмаган ёлғиз қариялар ва бола парвариши билан банд бўлган аёллар, уй бекалари кўпчиликни ташкил қилади. Меҳнат қобилиятига эга бўлмаган ёки ўзгалар ёрдамига муҳтож аҳоли таркибига кўра, пенсионерлар – 2,8 млн, ногиронлар – 812 минг, хусусан, 235 минг – болаликдан ногиронлар, 30 минг – ўзгалар ёрдами ва қарамоғига муҳтож ёлғизлар, 67,6 минг – моддий ёрдам нафақасини олувчи кам таъминланган оилалар, 395,8 минг – 16 ёшгача болали оилалар нафақасини олувчи оилалар, 437,3 минг нафар – 2 ёшгача бўлган болаларини парвариш қилаётган оналар нафақасини олувчи оилалардан иборат.¹ Меҳнатга лаёқатли аҳоли 12175,7 минг кишини ташкил этиб, меҳнатга яроқли ва имконияти чекланган аҳоли таркибини қуйидаги диаграммада кўриб чиқишимиз мумкин.

² Олимов С. «Ёшлар йили» Давлат Дастурининг туб моҳияти // Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли: Республика илмий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – Б. 10-11.

³ Кудуэл Э., Марни Ш. Махаллинская система распределения социальной помощи в Узбекистане // Центральная Азия 2010 – Перспективы человеческого развития. – Тошкент, 2000. - №1. – С. 20.

⁴ Халматова М., Сафаева С. Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 132 б.

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш Вазирлигининг 2007 йил якунлари бўйича ҳисоботи.



3.1.1 - расм

Ўзбекистонда меҳнатга яроқли ва ишлаб чиқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган аҳоли таркиби (ялпи аҳоли сонига нисбатан фоиз ҳисобида)²

Кўриб турганимиздек, кўп болали оналар ва бола парвариши билан машғул аёллар, ногиронлар ва бошқа кам таъминланган қатламлар ялпи аҳоли сонининг ўртача 20% ини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда беш ва ундан кўп шахсдан иборат оилалар умумий сонининг ҳар тўртдан бири (27,7%) муҳтожлар қаторига қўшиш мумкин. Тўрт ва ундан ортиқ болалари (38,3%) ва уч нафар болалари (19,6%) бўлган кўп болали оилаларда ҳам муҳтожлар кўпчилиқни ташкил қилади.

Республикада аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг маҳалла тизими худди шундай кўп фарзандли, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониغا биноан 1994 йил 1 октябрдан жорий этилди ва уни ҳаётга татбиқ қилиш чора-тадбирлари, самарали восита ва механизмлари ишга туширила бошланди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш Вазирлиги томонидан маҳалла кўмиталарига ижтимоий мадад олиш ҳуқуқи бор оилаларни қай тарзда аниқлашни изохлаб берувчи махсус йўриқнома ишлаб чиқилиб, унда,

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 302 б.

моддий ёрдам ўз даромадини оила аъзоларининг иқтисодий фаолиятини кенгайтириш орқали кўтариш имкониятига эга бўлмаган оилаларга, хусусан, кўп болали оилаларга, ишсизлар оиласига, асосий боқувчисини, иш қобилиятини бутунлай ёки қисман йўқотган ногирон аъзолари бўлган оилалар ва ёлғиз нафақахўр (пенсионер) ларга ажратилиши кераклиги ўзининг аниқ ифодасини топган. Жумладан, оила эҳтиёжини аниқлашни бошқариш тўғрисида ҳам маълумот берилиб кўмита ҳисоботида қариндошлик муносабатлари билан боғлиқ бўлган ёки бўлмаган, биргаликда яшовчи ва умумий бюджетга эга бўлмаган барча шахсларни ўз ичига олувчи оила таркиби, меҳнат қилишга яроқли бўлган ҳамда иш билан банд бўлган, иш қобилиятини йўқотмаган ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган ҳамда 2 ёшгача бўлган боласи билан ҳомиладорлик таътилидаги, 16 ёшгача фарзанди бор оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топиши шарт қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «16 ёшгача болали бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»^{*}ги Низоми, 1999 йилда «Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг такомиллаштирилган янги таҳрири, аҳолини аниқ мақсадли йўналтирилган ижтимоий ҳимоя билан таъминлашнинг маҳалла тизими ролини ошириш чора-тадбирларини кучайтиришнинг 1999 йил 13 январда «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги ва «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017 – сон Президент Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож


^{*} Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ҳам шу Низомга асосланиб амалга оширилади.

катламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги 2002 йил 25 январдаги 33-сон қарори ижроси бўйича ишламайдиган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартибининг Низоми ишлаб чиқилиб, унга кўра фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан фақатгина муҳтож бўлган қатламларга нафақа тайинланиши ва тўланишининг мезонлари, усуллари, тартиблари қатъий белгилаб берилди. Ушбу қонунчилик ҳужжатларига кўра, ижтимоий ҳимоянинг маҳалла тизимини аҳоли турмушини яхшилашда эгаллаган мавқеи ва ўрни янада ошиб бораётганлигига алоҳида урғу бериб ўтилди ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ижтимоий ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш, муҳтож оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий мададни такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари юклатилди.

Юқорида келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда жорий этилган ижтимоий ҳимоянинг маҳалла тизими фаолиятида янги босқич, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи ва иккинчи босқичларида илгари сурилган режаларнинг бевосита амалиёти билан боғлиқ сифат босқичига ўтилди. Айнан шу даврдан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг маҳалла тизими ваколатлари давлатга тегишли қатор вазифаларни топширилиши йўли билан кенгайтирилди ва маҳалла кенгашларининг аҳоли муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашдаги масъулияти оширилди.

Нафақа тўлаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш учун 16 ёшгача фарзандлари бўлган кам таъминланган оилалар, 2 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишламайдиган аёлларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш юзасидан қарор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқароларининг йиғинида, фуқароларнинг бундай йиғинни ўтказиш имконияти бўлмаганда эса, кўча, уй, маҳалла вакиллари йиғилишида қабул

қилиниши тартиби ўрнатилди.¹ Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш учун фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади. Ушбу кенгашнинг ваколатларини қуйида таклиф этилаётган чизмамизда кўриб ўтишимиз мумкин.



3.1.4 - расм

Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан муҳтож оилаларни қайд қилиш ва ҳисобга олиш тартибига кўра, нафақани тайинлаш ва тўлаш жараёни қуйидагича содир бўлади. Авваламбор, мадад пулини олиш юзасидан мурожаат қилган ота ёки она (ёки ота-она ўрнини босувчи шахс)^{*}нинг ёзма аризаси асосида муҳтож оилалар аниқланади. Мадад пулига даъво қилувчи қатламларнинг аризасида нафақа сўраб мурожаат қилишга ундовчи сабаблар, оила аъзоларининг таркиби ҳамда оила аъзоларининг ариза бериш санасидан олдинги 12 ой давомида олган даромадалари шахсий томорқа хўжалигини юритишдан тушган даромадлари қўшилган ҳолда кўрсатилади. Аризанинг намунавий шакли ҳужжатларга илова қилиниши

¹ «16 ёшгача болали бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида» ги Низом ва «Ишламайдиган оналарга болани 2 ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ.

* Ушбу тартиб маҳалла орқали моддий ёрдам олувчи ҳар уч категория учун бирдай тегишли.

шарт ҳисобланади ва оиланинг таркиби тўғрисида маълумотнома билан тасдиқланиб, агарда бундай маълумотлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органида бўлса, у ҳолда, маҳалла кенгаши томонидан оиланинг уй китобидан кўчирма қилиб олинади. Болаларнинг ёши тўғрисидаги маълумотлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ёки нотариусда белгиланган тартибда тасдиқланган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларнинг нусхаси билан тасдиқланади. Ота-онадан бошқа шахсларнинг қарамоғида бўлган болаларга нафақа тайинлашда, болаларни васийликка (ҳомийликка) олиш тўғрисида қарор чиқарган органнинг қароридан кўчирма тақдим этилади.¹

Оила аъзоларининг олган даромадлари ишловчилар учун иш жойидан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун солиқ органларидан, ишсиз сифатида қайд қилинганлар учун меҳнат биржасидан, ишламайдиган пенсионерлар учун ижтимоий таъминот органлари томонидан берилган маълумотнома билан тўлдирилади. Ушбу ҳужжатларни аризачи ҳар ойнинг 20 санасигача маҳалла йиғинига тақдим этишлари мумкин. Оила аъзоларининг даромадалари ва унинг таркибини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳар бир оила учун алоҳида ариза билан бирга қўшиб тикиб қўйилади ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида сақланади. Ҳужжатлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида 2 йил муддат давомида сақланиб, муддат тугагач ўрнатилган тартибда архивга топширилади. Аризачиларни рўйхатга олишнинг махсус китобида, уларнинг тушиш тартиби бўйича қайд қилинади. Унда аризани қайд қилиш санаси, ариза берган шахснинг исми, шарифи, паспорт серияси, яшаш манзили, болалари ҳақидаги маълумот кўрсатилади. Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг рўйхатга олиш китобига фуқаролар йиғини баёнининг санаси ва рақами, тайинланган нафақа миқдори ҳамда уни тўлаб бошланган оий тўғрисида маълумот киритилади. 2 ёшгача бола павариш қилиш бўйича нафақа ҳақиқатдан

унинг парвариши билан банд бўлган шахсларга, шу жумладан, ишламаётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга (одатда отаси, фарзандликка олган шахс, қариндошлар), ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тўлов-шартнома асосида олий, ўрта махсус ва ўрта касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқиётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, юридик шахс бўлмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмасдан фаолият юритувчи деҳқон хўжалигининг аъзоси бўлган оналарга уларнинг расмий аризаларига асосланиб тайинланади.¹ Эътиборлиси, бола (болалар) ни тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган онага ва отага, ногирон болани тарбиялаётган оналар (ёки унинг ўрнини босувчи шахс) га оиланинг даромадини ҳисобга олмасдан, ҳеч қандай шартларсиз нафақа тайинланади. Зеро, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Маҳалла ким қандай шароитда яшайпти, ким ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтожлигини яхши билади».² Демак, маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ва фаоллари тегишли ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли ҳақида тўлиқ маълумотга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу сабабли, моддий ёрдам фуқаролар йиғини раисининг тавсияси билан тайинланганда муҳтож оиладан ёзма равишдаги ариза талаб қилинмайди. Бунда оилага моддий ёрдам тайинланиши тўғрисидаги раис тавсияномаси билан оилага моддий ёрдам тайинлаш сабаблари кўрсатилган ёзма тақдимнома расмийлаштирилади. Натижада, аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қисми қамраб олинади. Бунда маҳалла раислари (оқсоқоллари) ва фаолларининг «маҳаллий кўрсаткичларга» таяниб иш юритиши содир бўлади.

Оилаларни муҳтожлигини аниқлашда кам таъминланган ва 16 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш Низомининг 15-банди, 2 ёшгача бола парвариши билан банд бўлган ишламайдиган оналарга эса тегишли Низомнинг 12-банди асосида иш олиб борилиб, шу орқали оилаларнинг муҳтожлик даражаси аниқланади. Текширишни фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органининг раис (оқсоқол) и томонидан тузилган ва тасдиқланган

¹ «16 ёшгача болали бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида» ги Низом ва «Ишламайдиган оналарга болани 2 ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 307-308.

Ўзини-ўзи бошқариш органи қошидаги махсус комиссия амалга оширади. Комиссия шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини таркибига кирувчи ҳар бир фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг юридик шахс мақомига эга ёки эга эмаслигидан қатъий назар ташкил қилинади.

Комиссия таркибига мажбурий тартибда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органининг раиси ва меҳнат биржаси ходими киритилади. Юқорида номлари зикр этилган мансабдор шахслардан ташқари комиссия таркибига раис маслаҳатчилари, жамоат (уй, кўча) вакиллари (уларнинг сони туман (шаҳар) ҳокимлигининг қарори билан маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг сонига қараб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир 20-30 нафар фуқарога 1 та вакил қилиб белгиланади),* маҳаллий солиқ ва молия органлари вакиллари, шунингдек, моддий ёрдамга талабгор оилалар ва оналарни моддий ва мулкӣ аҳволини текшириш комиссияси таркибида иштирок этувчи шахслар кириши мумкин. Текшириш ўтказишнинг муайян вақти (санаси) тўғрисида аризачига олдиндан хабар берилади.

Комиссия ариза қайд қилингандан кейинги 2 ҳафталик муддат ичида оиланинг даромадларини текшириб чиқиб, унинг асосида текшириш далолатномасини тузади. Далолатномада текширилаётган оилада қариндошлиги бўлган ва бирга умумий рўзғор юритувчилар миқдори, оиланинг жами пул даромадлари ва унинг манбалари, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва меҳнат биржасида рўйхатга олинмаган меҳнатга қобилиятли аъзолари (бола 2 ёшга тўлгунга қадар унга қаровчи аёллар ва 18 ёшгача бўлган ўқувчилар бундан мустасно), томорқа участкаси майдони ва ундан даромад олиш имкониятлари ҳамда оиланинг муҳтожлик даражаси ва моддий ёрдамнинг тавсия қилинаётган миқдори ҳақидаги комиссия хулосаси берилади. Нафақа тайинлашда оиланинг муҳтожлик даражасини акс этадиган асосий мезон бўлиб оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган умумий даромаднинг ўртача ойлик миқдори ҳисобланади. Агар оила яқин ўтган даврда сотиб олган

* 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича услубий кўрсатманинг 2-банди бўйича.

мўмай мулк (масалан, юриб турган автомобиль, қимматбаҳо аудио-видео техникаси ҳамда оиланинг яшаш даражаси юқори эканлигидан далолат берувчи бошқа безак буюмлар) мавжуд бўлиб, унинг даромадлари миқдори паст кўрсатилган бўлса, у ҳолда оила ўзининг жами даромади миқдорини камайтириб кўрсатган ҳисобланади.

Оила даромадларини текшириш пайтида аниқланган маълумотлар аризачи томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан белгиланган муҳтож оилаларни аниқлайдиган мезон билан таққослаб кўрилади. Комиссия оиланинг даромадлари ва аъзоларининг сонига доир аниқланган маълумотлар асосида, фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилишига мазкур оилага нафақа тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тавсияномани тақдим қилади. Бу тавсиялар фуқаролар йиғинида ёки вакиллар йиғилишида мажбурий тартибда тасдиқланиши шарт. Нафақа тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида аризачининг фуқаролар йиғинида иштирок этиши мажбурийдир. Аризачи узрли сабаб билан қатнашмаган ҳолларда йиғинда оиланинг балоғат ёшига етган бошқа аъзоси иштирок этиши ёки бошқа вакил иштирок этмаса кейинги йиғинда кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

Муҳтож оилаларни аниқлаш учун мезон сифатида қабул қилинган энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдорини ҳисоблаб чиқишда мурожаат қилинган ойдан аввалги 12 ой давомидаги ўртача ойлик миқдори олинади. 2 ёшгача бола парвариши билан банд бўлган оналарни нафақага муҳтожлигини аниқлаш мезони эса оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўғри келадиган умумий даромад бўлиб ҳисобланади.* Бу давр мабойнида энг кам иш ҳақидаги ўзгаришлар ҳам эътиборга олиниб, ҳосил бўлган сумма 12 (12 ой) га бўлинади ва энг кам иш ҳақининг ўртача мезони белгиланади. Агарда энг кам иш ҳақининг ўртача миқдори ўзгарган тақдирда, ўзини-ўзи бошқариш органлари ушбу мезонни ўзларининг ҳисоб

* Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 11-банди бўйича.

рақамларидаги маблағ миқдоридан келиб чиқиб қайта кўриб чиқадилар. Айрим оила аъзоларининг ўртача ойлик жами даромади аниқланадиган 12 ой ичида мазкур шахс даромад олмаган даврлар мавжуд бўлса, у ҳолда унинг ўртача ойлик жами даромади фақат у даромад олган ойлар учун аниқланади, яъни, ишловчиларнинг 12 ой мабойнида олган жами даромади мазкур даромад олинган ойлар сонига бўлинади. Оиланинг жами даромадида барча турдаги меҳнат даромадлари, тадбиркорлик (шу жумладан, яқка тартибдаги меҳнат) фаолиятдан олинадиган даромадлар, шахсий томорқа юритишдан олинадиган даромадлар, пенсиялар (қайси турга мансуб бўлишидан қатъий назар), стипендиялар, нафақалар ҳисобга олинади. Ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари, барча турдаги қўшимча ҳақ ва товонлар билан биргаликда, оиланинг жами даромадига қўшилади. Шунингдек, оиланинг жами даромади таркибида тўланадиган алиментларнинг суммаси, ишдан бўшатилишда тўланадиган нафақа, дафн этиш маросими учун тўланадиган нафақа, фавқулодда табиий офатлар, қон-қариндошларнинг ва бошқа яқин кишиларнинг вафоти муносабати билан бир марта бериладиган моддий ёрдам, фарзанд туғилганда тўланадиган нафақа, хайрия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган бир марталик моддий ёрдам ҳисобга олинмайди. Хорижда ишлаётган шахсларнинг даромадларини ҳисобга олишда иш ҳақи миллий ҳамда чет эл валютаси кўринишида ҳисобга олинади. Чет эл валютасида олинган даромадлар, оиланинг жами даромади аниқланаётган кундаги Марказий банк белгилаган курс бўйича сўмларда ҳисоблаб чиқилади.

Республика аҳолисининг 60% идан ортиғи қишлоқларда истиқомат қилишини эътиборга олсак, кўпинча шахсий томорқадан олинаётган даромадлар миқдори кам таъминланганлик мезонидан баланд бўлиши мумкин. Буни аниқлашнинг аниқ кўрсатилган тартиби бўлиб, шахсий томорқадан олинадиган даромад нафақа сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасида кўрсатилган маълумотлар асосида текшириш олиб борилади. Агарда тақдим этилган аризада шахсий томорқадан олинадиган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар камайтириб берилса (кўпчилик фуқаролар аризада шахсий

томорқаси бўлган кўпчилик оилаларга нисбатан сезиларли даражада камайтириб беришади ёки бу даромадни умуман кўрсатишмайди) у ҳолда, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиши учун фойдаланаётган ҳар бир 10 сўтих ер (ёки 100 кв. метр) майдонидан (шахсий томорқадан) олинадиган даромадларнинг энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида олмоқ зарур.¹

Айрим ҳолларда маълум сабабларга кўра ер ҳосилдорлиги (субтанқислиги, ерни шўр босиши) юқорида кўрсатилган миқдорда даромад олиш имконини бермаса ёки ер участкасидан умуман даромад олиш имкони бўлмаса, у ҳолда туман (шаҳар) ҳокимлигининг махсус комиссияси фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг баъзи ҳудудлари учун шахсий томорқа юритишдан олинадиган даромад меъёрини пасайтириб белгилаши (даромад олиш имкони йўқ ҳолларда эса, умуман ҳисобга олмаслиги) мумкин. Нафақа тайинлангандан кейинги давр ичида даромадлар бўйича рўй берган ўзгаришлар эътиборга олинмайди. Агарда оиланинг жами даромади ҳисобга олинмаётган даврда оила таркибида никоҳни бекор қилишга боғлиқ бўлган ўзгаришлар содир бўлса, унда собиқ эр ёки унинг даромадлари ҳисобга олинмайди, аммо, оиланинг ўртача ойлик даромадига олинадиган алиментларнинг суммаси қўшилади.

Нафақани тайинлаш ёки рад қилиш тўғрисида қарор ҳар бир оила учун, комиссиянинг хулосаси асосида алоҳида қабул қилиниши лозим. Қабул қилинган қарор йиғиннинг алоҳида ёки умумий баёни билан расмийлаштирилади. Нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорга фуқаролар йиғини аъзоларининг оддий кўпчилиги овоз берса, у қабул қилинган ҳисобланади. Қарор очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Моддий ёрдам кам таъминланган ва 16 ёшгача фарзандлари бўлган кўп болали оилаларга – 3 ой, 2 ёшгача бола парвариши билан банд оналарга – 1 йиллик муддатга тайинланади. Муддат тугагач ушбу жараён янгидан бошланиши назарда тутилади. 1995 йил 20 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини

¹ «16 ёшгача болали бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида» ги Низом ва «Ишламайдиган оналарга болани 2 ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ.

кучайтириш тўғрисида»ги Фармони асосида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга бериладиган ҳар ойлик нафақалар икки болали оилаларга энг оз иш ҳақининг 60 фоизи, уч болали оилаларга энг оз иш ҳақининг 80 фоизи, тўрт болали оилаларга энг оз иш ҳақининг 100 фоизи, беш ва ундан ортиқ болали оилаларга энг оз иш ҳақининг 120 фоизи қилиб белгиланди.¹ Ушбу фармон мамлакатимиздаги демографик вазиятдан келиб чиқиб кам таъминланган оилаларга ажратилаётган моддий ёрдамнинг миқдорига аниқлик киритди.

2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» – деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3864- сон Фармони асосида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш 6 ойгача муддатга узайтирилди.

Бизнинг фикримизча, ушбу фармон кам таъминланган оилаларга бериладиган кафолатлар доирасини кенгайтириш билан бир вақтда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан муҳтож оилаларга моддий ёрдам пулини қайта тайинлаш масаласидаги мураккабликларини бартараф этиш имконини берди. Фармонга кўра, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш масаласини қайтадан кўриб, уни алоҳида равишда янги қарор қабул қилган ҳолда тайинлаш шарт эмас. Чунки, моддий ёрдамни қайтадан янги муддатга тайинлашни тақозо этувчи шароит яхши томонга ўзгармаган тақдирда ҳам моддий таъминотга муҳтож бўлган ҳамда рўйхатда турган бошқа оилалар ҳам бўлиши мумкин.

Оилалар нафақани ўзлари яшаб турган жойдаги Халқ банки муассасаларидан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тақдим қилган тўлов варақалари асосида олишлари мумкин. Тўлов варақаси ҳисобот хужжати бўлиб ҳисобланади ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органида молиявий хужжатларни сақлаш қоидаларига мувофиқ ҳолда сақланади. Маблағларни ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботлар маҳалла раиси томонидан юргизилади ва

¹ Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1995. - №10. – Б. 51.

хар ойнинг 10 санасига қадар туман (шаҳар) ҳокимлигининг Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бўлимига тақдим қилинади.¹ Ушбу бўлимлар умумлаштирилган маълумотларни ҳисобот қилинган ойдан кейинги ойнинг 15 санасига қадар тегишли вилоят бошқармасига тақдим қилади. Вилоят ҳокимлигининг Молия бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармалари умумлаштирилган маълумотлар асосида ҳисоботларни ҳар ойнинг 18 санасига қадар тегишли вазирликларга уларни жамлаш ва таҳлил қилиш учун тақдим қилишлари шарт.

Мадад пулини тайинлаш ва тўлаш жараёнида маҳалла йиғини ва тегишли органлар (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш Вазирлигининг жойлардаги бошқармалари, Молия вазирлигининг тегишли бўлимлари, Халқ Банки шаҳобчалари) томонидан ноқонуний ҳаракатлар, суистеъмолликларни олдини олиш ва бартараф қилиш мақсадида ҳисобот йилининг биринчи ва иккинчи қисмларида Прокуратура, Молия ва тафтиш бўлимлари томонидан текширилиб турилади. Ҳар йили ижтимоий мадад тизими ва болалар ёрдам пулларига йўналтирилган умумий бюджет маҳалла томонидан ўтган ҳисобот даври давомидаги фойдаланилган маблағ суммасига асосланиб олинади. Маблағни вилоятлар ва туманлар ўртасида тақсимлаш мавжуд вилоятларда яшаётган оилаларнинг сонига қараб тақсимланади, кейинги таъминлашлар ўтган йилги ҳисобот асосидан олинади.

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш маҳалла фаолиятининг йўналиши сифатида ижросига олинishi билан бу органларнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги масъулияти янада ошди. БМТ Дастурининг эксперти К. Гриффин таъкидлашича, «Бу пухта ва унча қиммат бўлмаган тизим узок (анъанавий, тарихий) ривожланишга асосланиб, маҳаллий аҳолининг ишончини қозонди. Тажриба шуни кўрсатадики, маҳалла томонидан муҳтож деб аниқланган аҳоли қатлами ҳақиқатдан ҳам ночор гуруҳга

¹ «16 ёшгача болали бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида» ги Низом ва «Ишламайдиган оналарга болани 2 ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ.

тааллуқли ёки ўта кам даромад ёки энг кам маош миқдоридан кам пул топади».¹ Дарҳақиқат, бу жараён барча ўта муҳтож ва муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни қамраб олади ва умуминсоний қоидалар, миллий анъаналар, руҳиятга мос келади. Хуллас, тизим жорий эттирилган дастлабки йилларда кам таъминланган кўп фарзандли оилалар ва 2 ёшгача бола тарбияси билан шуғулланаётган оналарга тўланадиган ёрдам пулларининг миқдори ўсиб борган. 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилинганлиги, оиланинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва унинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини изчил равишда таъминлаш, оила фаровонлигини яхшилаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси кафолатларини ўз ичига олувчи давлат дастури ишлаб чиқилиб, уни ҳаётга татбиқ этилиши ҳукуматимизнинг оила фаровонлиги, тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш заруриятини кучайтирди. Натижада, ўша йили маҳалла тизими орқали болали оилаларнинг 36% и нафақа олди. Ўртача нафақа миқдори битта оилага деярли 1483 сўмга тўғри келади ёки 1996 йилга нисбатан беш баробар ўсди. Ижтимоий мадад учун давлат бюджетидан 1998 йилда 75 млрд. 541 минг сўм, 1999 йилда эса 282 млрд. сўмлик маблағ ажратилди.¹ Тизим фаолиятини самарадорлиги ва адолатлилиги, унинг муҳтож қатламларга яқинлиги, муҳтожликни аниқлашда ҳукумат кўрсатмаларига асосланиш билан бирга, маҳаллий кўрсаткичлардан фойдаланиш хусусиятлари натижасида аҳоли ишончи ошиб бормоқда. Ушбу вазифаларни амалиётга татбиқ қилиш давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнига мос бўлиб, унда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг маълум қисмини нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб борилиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришнинг асосий вазифаларини бугунги кунда амалиётга кенг жорий эттириляётганлигидан гувоҳлик беради.

¹ Гриффин К. Социальная политика и экономическая преобразования в Узбекистане. ПРООН, 1995. – 173 с.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 291 б.

Уларни амалга ошириш биринчидан, босқичма-босқичлик тамойили асосида давлат функциялари ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига аста-секинлик билан ўтказилиши, иккинчидан, бу функцияларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари олишга тайёрлиги, учинчидан, ижро этиш фаолиятини маҳаллий органларга бериб, марказда назорат ваколатини қолдириш, тўртинчидан, барча тадбирларни амалга оширишда ўзбек миллий давлатчилиги анъаналарига таяниш тамойилларига асосланади. Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, фуқароларни ўзини-ўзи бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмолчилик бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ёрдамида аниқ йўналтирилган кучли ижтимоий муҳофазани янада такомиллаштириш масъулияти юкланди.

3.2.2 – жадвал

2001-2006 йиллар давомида вилоятлар бўйича 16 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга кўмак пулларини ажратилиши¹

№	Худуд номи	Ажратилаётган маблағнинг йиллар бўйича тақсимланиши млрд. сўм ҳисобидан					
		1.01.2001	1.01.2002	1.01.2003	1.01.2004	1.01.2005	1.01.2006
		01	02	03	04	5	06

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш Вазирлигининг 2006 йил якунлари бўйича ҳисоботи.

1	Қорақалпоғи стон Республикас и	131,6	135,7	141,5	146,4	157,8	148,7
2	Андижон	152,1	138,0	161,0	171,3	171,1	173,0
3	Бухоро	77,0	75,0	77,2	78,1	85,0	85,3
4	Жиззах	63,0	59,6	75,1	73,8	78,3	72,9
5	Қашқадарё	162,1	176,0	195,1	205,1	204,0	206,5
6	Навоий	53,8	97,4	52,7	56,3	53,6	59,1
7	Наманган	127,6	120,2	175,0	166,8	189,4	177,3
8	Самарқанд	181,2	190,3	196,9	206,3	212,5	205,3
9	Сурхондарё	165,7	138,0	130,2	139,0	142,7	116,8
10	Сирдарё	42,4	44,6	50,0	48,1	48,9	39,2
11	Тошкент вилояти	122,3	111,0	121,0	107,0	106,2	99,1
12	Фарғона	195,0	205,8	210,7	213,4	219,4	202,0
13	Хоразм	92,1	101,8	109,5	106,3	119,3	116,0
14	Тошкент шаҳри	63,8	64,8	44,4	37,6	33,7	29,5
	Республика бўйича	1629,7	1658,2	1740,3	1755,5	1822,0	1730,7

Жадвалда кўришиб турибдики, 16 ёшгача фарзандлари бўлган мухтож оилаларга моддий кўмак пули давлат бюджети маблағларидан 2001 йилда республика миқёсида 1629,7 млрд. сўм ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилга келиб 1730,7 млрд. сўмга етган.

Маблағ миқдорининг йилдан-йилга ошиб бориши табиийки, бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг қадрсизланиши ва нарх-навонинг доимий ўсиб бориши билан изоҳланади. Худди шундай кам таъминланган оилаларга моддий

ёрдам миқдори ҳам йиллар бўйича ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, уни биз куйидаги жадвалда кузатишимиз мумкин.

3.2.3 - жадвал

2001-2006 йилларда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам миқдори¹

№	Худуд номи	Ажратилаётган маблағнинг йиллар бўйича тақсимланиши млрд. сўм ҳисобидан					
		1.01.2001	1.01.2002	1.01.2003	1.01.2004	1.01.2005	1.01.2006
1	Қорақалпоғистон	21,6	15,3	25,6	21,0	20,6	21,8
2	Андижон	27,7	18,3	24,4	22,0	21,7	23,0
3	Бухоро	19,4	13,8	18,0	14,6	14,9	14,3
4	Жизах	14,8	8,1	14,1	10,9	11,1	12,0
5	Қашқадарё	31,2	22,9	28,9	21,5	21,1	22,3
6	Навоий	13,9	8,7	12,5	8,6	7,5	10,6
7	Наманган	25,4	13,1	23,7	7,5	19,3	17,6
8	Самарқанд	37,9	21,0	38,6	27,0	30,1	29,1
9	Сурхондарё	27,9	14,5	19,4	17,7	17,2	16,3
10	Сирдарё	8,6	4,5	9,6	7,1	7,9	7,7
11	Тошкент вилояти	35,6	20,6	34,9	25,7	25,9	24,2
12	Фарғона	40,6	21,3	41,2	33,8	36,4	36,0
13	Хоразм	19,3	11,9	22,2	16,0	17,4	17,9
14	Тошкент шаҳри	30,5	4,6	24,3	21,9	22,5	20,6
	Республика	354,4	198,6	337,4	255,3	273,4	273,4

¹Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш Вазирлигининг 2006 йил якунлари бўйича ҳисоботи.

бўйича						
--------	--	--	--	--	--	--

Кўриб турганимиздек, кам таъминланганлик бўйича давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ ўзгарувчан бўлса-да, 2005-2006 йилларда деярли бир хил миқдорни, яъни, 273,4 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу моддий ёрдамга мухтож бўлган оилалар сонининг ўсиб бориш динамикасидаги ўзгаришларни билдирса, иккинчи томондан, маҳалла фуқаролари йиғинларининг кам таъминланган оилаларни мавжуд аҳволдан чиқишига кўмаклашишдаги амалий фаолиятдан дарак беради. Шунингдек, 2 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишламайдиган оналарга давлат бюджетидан моддий ёрдам пуллари ажратилишининг динамикаси қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

3.2.4 - жадвал

Республика бўйича 2003-2006 йилларда 2 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишламайдиган оналарга моддий ёрдам пулининг тақсимланиши¹

№	Худуд номи	Ажратилаётган маблағнинг йиллар бўйича тақсимоли млн.сўм ҳисобидан.			
		1.01.2003	1.01.2004	1.01.2005	1.01.2006
1	ҚР	16168	34980	1364	27807
2	Андижон	20401	51882	44217	40564
3	Бухоро	12090	26775	23631	21513
4	Жизах	12779	27194	26463	24885
5	Қашқадарё	28898	65755	59201	56223
6	Навоий	6358	13922	12567	13178
7	Наманган	21924	46291	44651	41729

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш Вазирлигининг 2006 йил якунлари бўйича ҳисоботи.

8	Самарқанд	26649	67462	60264	51464
9	Сурхондарё	19431	53629	50098	39516
10	Сирдарё	8255	15167	14935	13434
11	Тошкент вилояти	14045	28215	25400	25235
12	Фарғона	21699	48539	43996	44746
13	Хоразм	15556	47682	33979	33163
14	Тошкент шаҳри	6090	12646	9814	8469
	Республика бўйича	230343	540139	450580	441926

Мазкур рақамлар сўнгги йилларда моддий ёрдам миқдори кескин ошмаганлигини, аксинча, 2006 йилга келиб, 2005 йилга нисбатан маблағ миқдори 8 млн. 654 минг сўмга қисқарганлигини кўрсатади. Буни биз маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг аҳолини ижтимоий муҳофазалашда ўз олдига қўйган мақсадларига эришаётганлиги, давлат бюджети маблағлари тежалаётганлиги, маҳалла тасарруфидаги маблағлардан унумли фойдаланилаётганлигини белгиси сифатида изоҳлашимиз мумкин